

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





5. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини фаолият самарадорлигига таъсири ва аҳамиятини тадқиқ қилиш ижтимоий психология фани учун янги илмий маълумотларни тақдим этишга хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

1. Андреева Г. М. Психология социального познания. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2000;
2. Диагностика социального интеллекта. Тест Дж. Гилфорда и М. Саливана. СПб., 1999;
3. Sobirova D.A. Practical and psychological bases of researching the social intellect of medical attendant. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol.7 №3, 2019. (19.00.00. №2).
4. Собирова Д.А. Интеллект как профессионально значимое качество врача // Вестник интегративной психологии. – Ярославль, 2018. №16. – С. 260–263. (19.00.00. №2).
5. Собирова Д.А. Psychological and practical aspects of the social research on the intelligence of the medical staff. // Психология. – Бухоро, 2019. №2. – Б. 28–31. (19.00.00. №5).



*Назаров Акмал Мардонович,  
Бухоро давлатуниверситети Психология кафедраси доценти,  
Нурсатрова Мехринисо Баҳшиллоевна,  
Бухоро давлатуниверситети Психология кафедраси  
ӯқитувчиси,*



## **СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада спортчиларнинг жисмоний-рухий имкониятлари ривожлантириши орқали шахс камолотини таъминлаш усулларини яратиш түйрисидаги мулоҳазалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** психологик муҳофаза, ироди, методология, механизм, индивидуал, компонент, адекват, малака, барқарорлик, мослашувчанлик, қобилият, психоаналитик, феноменал.

**Аннотация:** В этой статье обсуждаются способы личностного развития за счет развития физических и умственных способностей спортсменов.

**Ключевые слова:** психологическая защита, воля, методология, механизм, индивид, компонент, адекватность, умение, устойчивость, гибкость, способности, психоаналитическое, феноменальное.

**Annotation:** In this article, comments are made on the creation of a method for ensuring the improvement of the individual through the development of physical and mental capabilities of athletes.

**Keywords:** psychological defense, will, methodology, mechanism, individual, component, adequacy, ability, stability, flexibility, ability, psychoanalytic, phenomenal.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларда кўрсатилган вазифаларида ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш» вазифалари белгиланган. Шу нуқтаи назардан, спортчи шахсини шакллантириш масаласи психологиянинг, айниқса спорт психологиясининг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Шахснинг ижтимоий-психологик тарақкиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини-ўзи ривожлантириб бориши жуда кўплаб омилларга боғлик. Психология нуқтаи назардан спортчининг психологик муҳофазаси – спортчи фаолиятининг экстремал шароитларида онги ва хулк-авторини психологик жиҳатдан ўз-ўзини тартибга солиш усуслари ва механизmlари тизимиdir. Психологик



мухофазанинг вазифаси – спортчидаги “Мен” тушунчасининг яхлитлигини, унинг мусобакаларда муваффақиятсизликка учраши, қўрқиши, хавотирланиши ёки салбий психологик жароҳатлардан химоя қилишдан иборат. Психологик мухофаза спортчининг муваффақиятга эришишга тайёргарлик ҳолатини ривожлантириш ва уни амалга оширишнинг субъектив механизми ҳисобланади. Спортчиларни психологик жиҳатдан мухофаза қилиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш зарурияти спорт соҳасидаги замонавий талабларидан келиб чиқиб, мутахассислар ўз эътиборини спортчиларнинг мусобакаларга юқори даражада тайёрлаш усулларига қаратди. Психологик мухофаза феномени шахсга хос бўлган психологик қонуниятларга эга бўлган индивидуал субъектив ҳодисадир.

Спортчиларда психологик мухофазани ўрганиш спортчининг баркарор рухий ҳолатини таъминлаш, қўркув, салбий ҳис-туйғуларнинг олдини олиш, бостириш ёки рухий баркарорлик хиссини бошдан кечиришга имкон беради. Психологик жиҳатдан спортчининг ривожланишида психологик мухофаза қандай рол ўйнаши, уни қийинлаштириши ёки унинг кейинги такомиллашувига ҳисса қўшишини билиш ҳам жуда зарур. Муайян шароитда психологик мухофаза спортчига фойдали ёки салбий ҳодиса сифатида харакат қилиш мумкинлигини тушуниш, психиканинг ривожланишига тўсқинлик қиласи, спортчиларни юқори даражадаги мусобакаларга психологик тайёрлашда янги муаммоларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда, психологик мухофаза ижобий, адаптив вазифани бажарса, бошқаларда эса ривожланишига тўсқинлик қиласи, буни нафақат психолог, балки, мураббий, спорт мутахассислари ҳам билиши зарур. Психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда спортчиларнинг психологик мухофаза муаммоси тўлиқ ўрганилмаган. Спортчиларнинг хулқ-автори ва мулоқот турларини аниқлаш, фарқлаш ва ўрганиш, спортчилар билан ишлашда, айниқса, мураббийлик фаолиятида самарали фойдаланиш билан характерланади. Амалий жиҳатдан спортчиларнинг хулқ-автори, қўникма ва малакаларини тарбиялаш, ривожлантириш мумкинми, деган савол туғилади. Психологлар томонидан спортчиларни тайёрлаш жараёнидаги замонавий тадқиқотлар амалиётида спортчиларнинг психологик мухофаза муаммоси тўлиқ ва тизимли ўрганилмаган. Психологик мухофаза спортчиларнинг фаолияти натижасида юзага келадиган психологик ҳодисадир. Психологик мухофаза шахснинг онгини салбий фикрлардан химоя қилувчи, ҳар қандай фаолиятнинг мухим индивидуал психологик механизми эса, қўп функцияли характеристерга эга бўлиб, спорт фаолияти мотивациясига киради ва шахснинг “Мен” тушунчasi яхлитлигига таҳдид солувчи экстремал вазиятларда фаоллашади. Спортчиларда психологик мухофазанинг намоён бўлиши, уларнинг когнитив соҳаси, жинси, ёши, индивидуал психологик сифатлари ҳамда эмоционал ҳолатларига таъсири қўрсатади, улар стресснинг субъектив мухим омилларини англаиди ва бу спортчилар тафаккурининг мазмунини белгилайди.

Психологик мухофаза – замонавий психологик тушунча бўлиб, шу билан бир қаторда психоанализнинг энг мухим йўналишларидан бири саналади. Психологик мухофазани шакллантиришга доир психологик манбаларни таҳлил қилиш, ушбу ҳодисанинг илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилаётган муаммони аниқлаш мураккаблиги ва номувофиқлигини бир қанча сабабларини аниқлашга имкон беради. Аввалом бор, психологик мухофаза феномени илмий жиҳатдан биринчи маротаба психоаналитик назарияларида қайд этилган ва кейинчалик З.Фрейд томонидан психологиянинг турли тармоқларида чуқур ўрганилган.

Рус психологлари орасида психологик мухофаза муаммосини установка назарияси нуқтаи назаридан ривожлантиришга Ф.В.Бассин катта хисса қўшган. У психоанализ илмий асоси йўқлиги учун танқид қилиб, психоанализ амалиётида илгари сурилган ҳодисаларни диалектик материализм асосида тадқиқ килган. Хусусан, Ф.В.Бассин психоанализнинг психологик мухофаза қилиш бўйича позициясини танқид қилиб, “мухофаза – оঁглийлик ва онглизлик ўртасидаги тўқнашув туфайли юзага келадиган ҳамда субъект ихтиёрида бўлган эмоционал зўриқишининг сўнгги воситаси”, деган фикрга салбий муносабат билдириган. Онглийлик ва онглизлик ўртасидаги бундай антагонизм гоясини Ф.В.Бассин баҳсли деб хисоблаган. Унинг таъкидлашича, онгнинг рухий бузилиши ташки таъсиридан мухофаза қилишда асосий омилнинг субъектив аҳамиятини камайтиришдан иборат.

Шу билан бирга юқорида таъкидланганидек, Ф.В.Бассин маънавий ҳаётда турли хил стрессларни бартараф этиш учун мухофазанинг мухим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, мухофаза инсон хулқ-авторининг тартибсиз харакат қилишига йўл қўймайди. Бу бузилиш нафақат онглийлик ва онглизлик тўқнашганда, балки тўлиқ онгли муносабат ўртасида қарама-қаршилик юзага келганда ҳам юз беради. Олимнинг фикрича, психологик мухофазадаги асосий жараён оптикача хиссий зўриқиши ва стрессни бартараф этиш, хулқ-авторининг тартибсиз харакатининг олдини олишига қаратилган муносабатлар тизимини қайта қуришдир. Ф.В.Бассин юқорида таъкидлаганидек, ҳаётда турли хил стрессларни бартараф этиш учун мухофазанинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, психологик мухофаза инсон хулқ-авторининг тартибсизлашувига йўл қўймаслиги мумкин. Бу ҳолат нафақат онгли ва онглиз тўқнашганда, установкалар ўртасида қарама-қаршилик натижасида юзага келади.

Ҳар бир шахсни спорт фаолиятдаги муваффақиятсизликларга нисбатан мухофазаланиш (химояланиш) механизми сифатида ҳар бир шахс учун характерли бўлган индивидуал услуб мезонларини ишлаб чиқиш ва ундан психологик хизмат жараёнида қўллаш мухим ҳисобланади.



Психологик мухофазанинг муҳим компоненти ҳисобланган шахс индивидуал фарқланиш муаммоси рус психологи К.К.Платонов тадқиқотларида илмий жиҳатдан ўрганилган. К.К.Платоновнинг психологик мухофаза ўз-ўзини адекват баҳолаши ва ўзини ривожлантиришга асосланган шарт-шароитларни яратиш билан камол топтириш муқаррарлигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Спортчиларда ўз-ўзини ҳимоя қилиш қоидалари билан танишиб чиқсан:

1. Ҳар қандай фаолият учун психологик ҳимоя жуда муҳим ҳисобланади. Шахсни ҳимоя қилувчи психологик механизм муваффақиятсизлик ҳақидағи фикрлар, мусобақа жараённанда кутилмаган вазиятларда фаоллаштирилган инсоннинг "Мен" лигини намоён этиш.

2. Психологик мухофазанинг индивидуал хусусиятларининг намоён бўлиши малакали спортчиларнинг жинсига, ёшига ижтимоий-психологик фазилатлари ва уларнинг когнитив жараёнларига боғлиқ тарзда шаклланади.

3. Шаклланиш даражаси, барқарорлик, мослашувчанлик, ўзгарувчанлик ва спортчиларда психологик ҳимоянинг самарадорлиги уларга боғлиқ спорт маҳоратининг даражаси ва тактик фикрлаш қобилияти муваффақиятга интилиш ёки ракобатда муваффақиятсизликка йўл кўймаслик.

Психологик мухофаза тушунчаси илмий жиҳатдан исботланганлиги ҳақиқат, уни биринчи бўлиб, машҳур психолог З.Фрейд томонидан кўлланилган. Ушбу тушунча 1894 йилда психоаналитик назария вакиллари томонидан турли йўналишларда илмий жиҳатдан ўрганилган.

Шахсдаги психологик ҳимоя қилиш одатдаги, кунлик ишлайдиган механизmdir. Сўнгти йилларда бу психологик ҳодиса, инсоннинг феноменал хусусияти сифатида спортчиларда намоён бўлмоқда. Спортчиларни психологик ҳимоя қилиш уларни ҳар доим сезгисини ҳаракатга келтирилади. Спортчидаги ҳиссиятлар "Мен" нинг яхлитлигини ҳимоя қилиш зарурлигини англашни талаб қилади. Бу одатда ўз-ўзини ҳурматни қилишда намоён бўлади.

Шахсдаги психологик мухофаза муаммосига доир илмий изланишларни америкалик психолог Р.Плутчик томонидан энг самарали олиб борган. Р.Плутчикнинг психологик мухофаза концепцияси алоҳида эътиборга лойиқ ҳисобланади. Спортчиларнинг психологик мухофаза имкониятларини ўрганиш психологиянинг энг замонавий тадқиқотлар сирасига киришини таъкидлайди. Р.Плутчик фикрига кўра, ҳиссиятнинг ҳосил бўлишига қараб, психологик ҳимоя механизmlаридан қараб катталар ҳам, ҳаттоқи чақалоқлар фойдаланиши мумкин. Р.Плутчикнинг психологик мухофаза механизмининг назарий моделини Г.Келлерман ва Х.Комте билан ҳамкорликда ишлаб чиқсан. Р.Плутчик томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида шахснинг психологик ҳимоя механизmlарини диагностика қилиш сўровномаси яратилди. Р.Плутчик томонидан яратилган тестда 8 та асосий психологик ҳимоя механизmlарини жойлаштириди.

Р.Плутчик, психологик мухофаза механизми - объектив вазиятни инсон томонидан реал тарзда идрок этилиши натижасида вужудга келувчи зиддиятли, ташвишли ҳолатларни ҳиссий-эмоционал тарзда юмшатиш, руҳий зўриқиши пасайтириш сифатида қарайди. Бу ўринда иккита бир-бирига қарама-карши фикр майдонга келади. Психологик мухофаза механизми биринчи ҳолатда шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга, ўз-ўзини қайта қуришига монелик кўрсатади, сабабки, "Мен-образи"ни хавфдан саклаш учун инсон хотирjamлкка берилади, ташки шарт-шароитга, вазиятга мослашишга ундаиди; иккинчи ҳолатда эса шахс ички руҳий ва ташки тўсиқларни, зиддиятларни енгишга, уни бартараф этишга чоғланади. Бу ўринда "Мен образи"ни ривожлантириш мақсадида кучли эмоционал зўриқиши ҳолатини бошдан кечиришга рози бўлади, у ўз-ўзи устида ишлайди, муаммонинг ечимини излайди. Мазкур метод шахсда устунлик қиласиган психологик мухофаза механизmlарини ўрганади.

Бизнингча психологик мухофаза механизmlарининг айrim бирларининг шахсда барқарор шаклланганлиги улардаги ҳимояни шаклланишига замин ҳозирлаши мумкин. Масалан "Сикиб чиқариш", "Регрессия", "Ўрнини алмаштириш", "Инкор этиш", "Проекция", "Компенсация", "Интелектуализация", "Реактивные образы" каби психологик ҳимоя механизmlарининг юқори ёки паст бўлиши шахслардада мухофаза механизм шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Натижаларни қайта ишлашда 8 та эго ҳимоя механизmlари 8 та шкалани ҳосил қилиб, уларнинг ҳар бирiga алоҳида таъкидлар тўғри келади.

Маълум бўлишича, спортчиларнинг аксарият қисми психологик мухофаза шаклланишига ишонишади ва бу психологик мухофаза ривожланиши спротчиларнинг кейинги фаолияти учун муҳим деб билишади. Олиб борилаётган илмий изланишларимиз натижасида шунга ишонч ҳосил қилдикки, хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар таҳлили кўрсатдики, спротчининг фаолиятида психологик мухофаза принципиал жиҳатдан психик ҳодиса ҳисобланади.

Спротчининг психологик мухофазаси – спорт ҳаётининг экстремал шароитларида шаклланган спротчининг онги ва хулқ-авторини руҳий жиҳатдан ўзини бошқариш ва ўз-ўзини тартибга солиши тизимиdir.

Спротчини мусобақага психологик тайёрлашда қўйидагиларга амал қилиш лозим:

✓ рақиблари ва келгуси мусобақаларнинг ижтимоий психологик шарт-шароитлари тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларни йиғиш;

✓ спротчининг психологик имкониятлари, рақибининг мусобақага тайёргарлиги, камчиликлари



тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва мусобақа бошлангунга кадар уларни ўзлаштириш ва тузатиш;

✓ спортчиларнинг мусобақада қатнашиш мақсадини аниқлаш ҳам муҳим омиллардан бири саналади.

Спортчиларда психологияк муҳофазанинг шаклланиши даражаси, барқарорлиги, мослашувчанлиги, ўзгарувчанлиги ва самарадорлиги уларнинг муваффақиятга эришиши ёки мусобакаларда муваффақиятсизликка учрамасликка интилиши, спортчининг тактик қобилиятларига боғлиқдир. Психологияк муҳофазанинг механизмлари типик, индивидуаллашган кўринишлари билан характерланади ва уларнинг индивидуал психологик хусусиятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, психологик муҳофазани шакллантириш ва ривожлантириш спортчи фаолиятида жуда муҳим, шу билан бир қаторда зарур эканлиги аниқланди.

Спортчиларнинг руҳий ва жисмоний фаоллигини чеклайдиган омилларни ўз вактида аниқлаш, ушбу омилларни бартараф этиш ва тузатиш усусларидан тўғри фойдаланиш спортда юқори натижаларга эришишга ва спортчининг соғлигини саклашга ёрдам беради.

1. Спортчиларга турли хил машғулотлар ўтказишида ҳар доим индивидуал хусусиятларни, интеллектуал қайта ишлаш даражасини ва асаб барқарорлигини ва типологик хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

2. Спортчи талабаларнинг интернал, экстернал характер хусусиятлари ва психологик муҳофазани шакллантириш орқали уларнинг фаолият самарадорлигига эришиши мумкин. Спортчилардаги психологик муҳофаза омиллари ўзига хос ижтимоий-психологик тузилмага эга бўлган шахс типлари, шахс хусусиятлари ҳамда “хиссий барқарорлик”, “қатъиятлилик”, “хотиржамлик”, “муваффақиятга эришиш” компонентларига боғлиқ ҳолда намоён этилади ва ривожланади.

3. Спортчилар фаолиятида намоён бўлувчи “хиссий барқарорлик”, “қатъиятлилик”, “хотиржамлик”, “муваффақиятга эришиш” каби омиллар психологик муҳофаза кўрсаткичларининг барқарор ва изчил тарзда ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

4. Спортчиларнинг психологик муҳофазасига мўлжалланган психотренинг дастурини кўллаш орқали, уларда руҳий зўриқишини олдини олиш, эмоционал барқарорлик, қатъиятлилик, хотиржамлик билан боғлиқ ижтимоий-психологик омилларни ривожлантиради. Бу эса, спротчиларда психологик муҳофаза жараёнининг бугунги кундаги айрим долзарб жихатлари, муаммолари ва унинг ечимлари ҳақида уйлашга, фикр мулоҳаза юритишга ва келажақдаги муҳим вазифаларини белгилаб олишга ёрдам беради.

#### **Адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами . 2017. (766)-сон.
2. Абдурасулов Р.А. Ўқувчи шахсини шакллантиришда спорт машғулотларининг ўрни. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 204 б.
3. Гаппаров З.Г. Спортивная психология. – Т., 2009. – 544 б.
4. Газиева Ф.Э. Спортда гурухий жипслик шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари:. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2019. – 55 б.
5. Ксенофонтова Е.Г. Исследование локализации контроля личности – новая версия методики «Уровень субъективного контроля» // Психол. журнал. – 1999. – № 2.
6. Мухторов Э.М. Ўсмирларда ўз-ўзини психологик муҳофаза қилиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг илмий-амалий асослари: Психол. ф.н.....дис. – Б.: 2008, - 15 б.
7. Островский А.Н. Теория и практика педагогической профилактики правонарушений школьников-подростков. Автореф. дис... кан. психол. Наук. Санкт-Петербург, 2006.



3	<b>Баратов Шариф Рамазонович</b> Психолог хизмат ижтимоий – психолог муаммо сифатида
9	<b>Хусейнова Абира Амановна</b> Ўзбекистонда оиласларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиласнинг ижтимоий функциялари
15	<b>Усманова Манзура Наимовна</b> Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	<b>Собирова Дилафурз Абдуразикова</b> Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	<b>Назаров Акмал Мардонович, Нурсатова Мехринисо Бахшишллоевна</b> Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуслари
32	<b>Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Мехмоновна</b> Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-автор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	<b>Жумаев Улугбек Сатторович</b> Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	<b>Останов Шухрат Шарифович</b> Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	<b>Рустамов Шавкат Шухратович</b> Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	<b>Nazarova Manzura Mustafo qizi</b> Globallashuv jarayonida milliy til omili
58	<b>Ахмедова Зарина Джамиловна</b> Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	<b>Аъзамова Махлиё Абдурахимовна</b> Махаллада психологик хизмат қўрсатишнинг эмпирик асослари
67	<b>Остонов Жасур Шониржонович</b> Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-автор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	<b>Собиров Абдулазиз Абдуразикович</b> Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	<b>Тилавов Мухтар Ҳасан ўғли, Болтаев Суннат Баҳтиёр ўғли</b> Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	<b>Рўзиев Умар Музafferович</b>



	Ўспириналарда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	<b>Ҳакимова Фазолат Хошимовна</b> Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мабтаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	<b>Ғайбуллаев Алишер Асадович</b> Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизmlари
96	<b>Турахонов Абдукарим Эшқузиеевич</b> Касбий масъулият ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	<b>Кулиев Ёркин Каримович</b> Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	<b>Ermatova Gulnoz Pirimovna</b> Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	<b>Қабулов Қосимбай Пиржонович,</b> Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	<b>Ахмедова Максуда Лочиновна</b> Ўкувчиларда ўзбек мусиқа фольклор хақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	<b>ҚУТЛОВ</b>
121	<b>Баротова Диляфруз Шарифовна</b>